

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА МАДИНА МАДЖИТОВНА**

**НОРФЛУОРОКУРАРИН АСОСИДА ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ  
ОЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of doctor philosophy dissertation (PhD)**

**Мирзаева Мадина Маджитовна**

Норфлуорокурарин асосида дори препаратларини олиш ва стандартлаш.....3

**Мирзаева Мадина Маджитовна**

Получение и стандартизация препаратов на основе норфлуорокурарина.....21

**Mirzaeva Madina Madjitovna**

Obtainment and standardization of preparations based on norfluorocurarine.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА МАДИНА МАДЖИТОВНА**

**НОРФЛУОРОКУРАРИН АСОСИДА ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ  
ОЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.4.PhD/Far42 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институти ва Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.info.pharmi.uz](http://www.info.pharmi.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Убайдуллаев Қудратилла Асатиллаевич**  
фармацевтика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тиллаева Гульнора Уринбаевна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдулладжанова Нодира Гуломжановна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўз Р ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz).)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.С.Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Ё.С.Кариева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсулт ва бош мия шикастланиши касалликларидан фақатгина 10% беморлар тўлиқ даволаниб, иш фаолиятига қайтганлиги сабабли, ушбу паталогиялар глобал муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун бу касалликларни олдини олиш ва даволашда халқ табobatiда кенг қўлланиладиган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, биологик фаоллигини исботлаш, улардан индивидуал ҳолда биологик фаол моддаларни ажратиб олиб, самарадор ноотроп дори препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ноотроп таъсирга эга бўлган биологик фаол моддаларни ўсимликлардан ажратиб олиш, улар асосида дори воситаларни ишлаб чиқиш, стандартлаш ишларини амалга оширишга қаратилган тадқиқотларга амалга оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, доривор ўсимликлар таркибидаги табиий бирикмалардан бўлган алкалоидлар асосида қон тўхтатувчи, гипотензив, қон босимини меъёрлаштирувчи фаол бирикмаларни аниқлаш, уларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш, замонавий таҳлил усуллардан фойдаланиб сифатини баҳолаш ишларини амалга ошириш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида фармацевтика соҳасини илғор жаҳон стандартлари асосида жадал ривожлантириш, маҳаллий доривор ўсимликлар асосида самарали препаратлар ишлаб чиқариш, тиббиёт амалиётига жорий қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш-профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>1</sup> каби долзарб вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда биологик фаол бирикмаларни ажратиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ҳамда улар асосида дори воситаларни ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, маҳаллий хомашё маҳсулотларидан янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229 «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 14 февралдаги ПФ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони

фармонлари, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Vinca erecta Rgl et Schmalh* ўсимлигининг алкалоидлари кимёвий тузилиши, фармакологик ва биологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида янги самарали доривор воситаларни яратиш бўйича республикамиз олимлари, жумладан, П.Х.Юлдашев, Х.Убаев, М.А.Кученкова, Н.Абдурахимова, Ш.З.Касимов, В.М.Маликов, М.Б. Султанов, Х.Н.Арипов, А.Г.Курмуков, Д.А.Рахимовлар илмий изланишлар олиб борган. Шу билан бирга, акад. С.Ю.Юнусов ва уларнинг шогирдлари П.Х. Юлдашев, В.М. Маликов, Д.А. Рахимов томонидан бўригул ўсимлигининг кимёвий таркиби, Х.Н. Арипов, А.Г. Курмуков, М.Б. Султонов томонидан технологияси ва фармакологияси мукамал ўрганилган. Улардан винканин (норфлуорокурарин), метвин (норфлуорокурарин хлорид), барвинкан гидрохлорид, винкаметрин дори воситалари сифатида тиббиётда қўллаш учун тавсия этилган.

Дунё миқёсида бўригул ўсимлиги таркибидаги алкалоидларнинг цитотоксик, саратонга қарши каби фаолликларини аниқлаш соҳасида M.Moudi, R. Go, C. Yong Seok Yien, M. Nazre, V. Kuete, R. Rathore, Alan V.Weitberg, H.Lipp, A.Stanley, G.H.J. Stevens, L. Robles, T.J. Postma, J.J. Heimans, T. Alexa-Stratulat, I.D. Alexa, X. Zhou, R. Rahmani илмий тадқиқотлар олиб борган. Мазкур йўналишда МДХ давлатларида олимлари О.В. Молчан, С.Н. Ромашко, Т.М. Власова, В.П. Курченко, В.М. Юринлар томонидан самарали фаолият олиб борилмоқда.

Бироқ ушбу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилганлигига қарамадан, тик ўсувчи бўригул ўсимлигидан алкалоидларни экстракция усули ёрдамида ажратиш олиш ва улар асосида дори воситалари яратиш бўйича илмий изланишлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ППИ-11 №ПЗ-20170929764 «Индол алкалоидлари асосида дори препаратларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** *V. erecta* ўсимлигидан винканин алкалоидини

ажратиш, унинг асосида олинган флуорокуруарин бромид субстанциясини стандартлаш ва инъекцион дори препаратини сифатини назорат қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

тик ўсувчи бўригул ўсимлиги илдиз ва илдизпоясидан ажратиб олинган алкалоидларни ўрганиш, уларнинг физик-кимёвий тузилиши, хом ашёни сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва стандартлаш, ундан винканин алкалоидини ажратиб олиш;

винканин алкалоиди асосида флуорокуруарин бромидни синтез қилиш, кимёвий тузилиши, сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш;

флуорокуруарин бромиднинг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш;

флуорокуруарин бромид субстанцияси учун клиник олди тадқиқотларини ўтказиш;

флуорокуруарин бромид асосида олинган «Флюбром» инъекцион эритмасини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш;

флуорокуруарин бромид ва «Флюбром» инъекцион эритмасини барқарорлигини ўрганиш ва яроқлилиқ муддатини аниқлаш;

доривор ўсимлик хомашёси, флуорокуруарин бромид субстанцияси ва инъекцион эритма учун вақтинчалик фармакопея мақолаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўсимлик хомашёси, субстанция ВФМ лойиҳаларини ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га рўйхатга олиш учун тақдим этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тик ўсувчи бўригул ўсимлиги илдизи ва илдизпояси, ўсимликдан ажратиб олинган винканин алкалоиди, унинг асосида олинган флуорокуруарин бромид субстанцияси ва 0,5% ли «Флюбром» инъекцион эритмаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** *V. erecta* дан ажратиб олинган винканин алкалоидининг тузилиши ва стереокимёсини аниқлаш, унинг асосида олинган флуорокуруарин бромид субстанциясининг физик-кимёвий, ҳамда биологик хоссаларини ўрганиш, ўсимлик хом ашёси таркибидаги алкалоидлар йиғиндисини стандартлаш, шунингдек, флуорокуруарин бромиднинг сифатини назорат қилиш ҳамда «Флюбром» инъекцион эритмасини стандартлаш усуллари иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида экстракция, юпка қатламли ва юқори самарали суюқлик хроматографиялари (ЮҚХ ва ЮССХ), инфрақизил (ИК), ультрабинафша (УБ), протон магнит резонанс (ПМР) ва <sup>13</sup>C ядро магнит резонанс (ЯМР) спектроскопия, суюқлик хроматографияси/масс спектрометрия (LC/MS), спектрофотометрия (СФ), рентген тузилиш таҳлили (РТТ), шунингдек, алкалоидлар кимёси ва фармацевтик таҳлилнинг анъанавий ва замонавий усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тик ўсувчи бўригул ўсимлиги хомашёсининг сифат ва миқдор таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

тик ўсувчи бўригул ўсимлиги илдиз ва илдизпоясидан винканин алкалоиди ажратиб олинган, унинг физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор винканин алкалоиди асосида флуорокурарин бромид субстанциясини олишнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

флуорокурарин бромид субстанциясини ЮҚХ, ЮССХ, ИҚ, УБ, ЯМР, LC/MS, РТТ усуллари орқали валидациялаш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

флуорокурарин бромид субстанциясининг клиниколди фармакологик тадқиқотлари натижасида ноотроп таъсири ва безарарлиги аниқланган;

«Флюбром» инъекцион эритма чет элда ишлаб чиқариладиган аналоглари (винпоцетин)дан фаоллиги жиҳатидан устунлиги аниқланган;

ўсимлик хом ашёси- *V. erecta* илдиз ва илдизпояси, субстанция-флуорокурарин бромид ва инъекцион эритма «Флюбром» нинг меъёрий ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий математик ва статистик таҳлил усуллари асосида тасдиқланган, валидацияланган ҳамда ЮҚХ, ЮССХ, ИҚ, УБ, ЯМР, LC/MS, РТТ усуллари каби замонавий тадқиқот ускуналари ёрдамида олинган натижалари билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ўсимликлар хомашёси сон кўрсаткичлари ва анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш ҳамда ноотроп таъсирга эга бўлган инъекцион эритма олиш бўйича мавжуд илмий ёндошувларни такомиллаштириш, шунингдек, миқдорий таҳлил учун юқори сезгирлик ва аниқликка эга бўлган спектрофотометрик, юқори самарали суюқлик хроматографияси, суюқлик хроматографияси, масс спектрометрия усуллари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тик ўсувчи бўригул ўсимлигидан ажратиб олинган винканин алкалоиди, унинг ҳосиласи бўлган флуорокурарин бромид ва унинг дори препарати –ноотроп таъсирга эга бўлган «Флюбром» инъекцион эритмаси сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва улар субстанция ҳамда дори шаклини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Норфлуорокурарин асосида дори препаратларини олиш ва стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тик ўсувчи бўригул ўсимлиги хомашёси учун вақтинчалик фармакопоя мақоласи ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар



ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг 2020 йил 15 октябрдаги №29/01-407 сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатларни тасдиқланиши ноотроп маҳаллий табиий воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини беради;

флуорокуруарин бромид субстанцияси учун вақтинчалик фармакопоя мақоласи ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг 2020 йил 15 октябрдаги №29/01-407 сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатларни тасдиқланиши ноотроп таъсирга эга 0,5% ли 1 мл «Флюбром» инъекцион эритмасини олиш имконини беради;

ўтказилган клиник олди синовлар натижасида флуорокуруарин бромид субстанциясининг специфик фармакологик фаоллиги текширилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли ноотроп таъсирли безарар доривор субстанциясини ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий- амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*V. erecta*» ўсимлиги ҳақида маълумот ва унинг **биологик фаол моддалари**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда *Vinca erecta* ўсимлиги тавсифи, ундан ажратиб олинган алкалоидлар тузилиши, алкалоидлар асосида олинган

доривор препаратлар ва уларнинг фармакологик хусусиятлари, доривор препаратларнинг стандартлаштириш усуллари келтирилган.

Иккинчи боб «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланиб, бунда ўсимлик хом ашёсидан алкалоидларни экстракция усулида ажратиб олиш, шу жараённинг динамикаси ва оптимизацияси келтирилган. Шунингдек, экстрактни тозалаш каби маълумотларни қамраб олган. Тадқиқот ишларини амалга ошириш натижасида ўсимликдан винканин хлоргидратини экстракция усули ёрдамида ажратиб олиш чизмаси келтирилган (1-расм).



### 1-расм. Винканин хлоргидратини ажратиб олиш чизмаси

**Винканин экстракцияси жараёнини оптималлаштириш.** *V. erecta* ўсимлигининг ер остки қисмидан винканинни юқори унум билан ажратиб олиш талабларини аниқлаш мақсадида Бокс-Уилсон усулида оптималлаштириш амалга оширилди. Тажрибаларнинг натижаларини статистик таҳлилидан сўнг қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинди:

$$Y = 30,12 + 4,02 X_1 + 7,83 X_2 + 2,19 X_3 + 3,05 X_4 + 0,63 X_5$$

Кохрен критерийси асосида регрессия коэффицентлари бирламчи эканлиги ( $G_{экс} < G_{кр} : 0,2855 < 0,6798$ ) аниқланди ва Фишер критерийси бўйича модел адекватлиги ( $F_{экс} < F_{таб} 1,49 < 4,5$ ) исботланди.

Омиллар ўзининг таъсир кучи бўйича қуйидагича ўринни эгаллади: спирт концентрацияси > жараён вақти > экстракция харорати > хом ашёнинг майдаланганлик даражаси. Биринчи фазалар таъсирида винканиннинг унуми 51,2% ташкил этди.

***V. erecta* ўсимлиги илдиз ва илдизпояси алкалоидларини экстракция қилиш динамикаси.** *V. erecta* илдизини экстракция қилишда алкалоидларни хом ашёдан ажратиб олишнинг оқилона шароити қайта ишлаб чиқилиб, динамика усулидан фойдаланилди. Алкалоидларни экстракция қилишда унинг динамикасини ўрганиш натижасида 5 марта экстракция қилиш етарли


эканлиги маълум бўлди. Бунда алкалоидларнинг унуми 96,6% ни ташкил қилди.


Ўсимликнинг сон кўрсаткичлари ва таркибидаги асосий таъсир этувчи модда миқдорини аниқлаш бўйича маълумотлар диссертация ишининг «Доривор ўсимлик хом ашёсини стандартлаш» деб номланган учинчи бобида келтирилган. Тик ўсувчи бўригул ўсимлиги Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғолди худудларида кенг тарқалган. Бунда тик ўсувчи бўригул ўсимлигининг ташқи белгилари, сон кўрсаткичлари, сифат реакциялари, микроскопия, миқдорини аниқлаш, яроқлилиқ муддатини белгилаш каби кўрсаткичлар ўрганилиб, натижалар асосида ўсимлик хом ашёсига ВФМ лойиҳаси тузилган.

Натижалар диссертация ишининг «Флуорокурарин бромид субстанциясини олиниши, кимёвий тузилишини ўрганиш ва стандартлаш» деб номланган тўртинчи бобида ўз аксини топган. Бунда субстанциянинг олишнинг мақбул усули ишлаб чиқилиб, 2 хил усул билан кўрсатилган.

### 1-усул. Субстанцияни норфлуорокурариндан олиш

Норфлуорокураринга (5 г) метил йодид (1 мл) қўшилганда, 4,85 г унум билан флуорокурарин йодид ҳосил бўлди. Реакцион аралашмага 5% натрий ишқори (1мл) қўшилганда (pH=9.5), 4,8 г унум билан норфлуорокурариннинг тўртламчи аммоний асоси олинди. Норфлуорокурариннинг тўртламчи аммоний асоси (1 г) қайноқ сувда (30 мл) эритилди, сўнг унга концентрланган бромид кислотаси эритмаси (1 мл) кислотали муҳит ҳосил бўлгунига қадар қўшилди (pH=6.5). Олинган аралашма бир кун давомида музлатгичда қолдирилди. 4,75 г унум билан флуорокурарин бромид кристаллари ажратиб олинди ва этанол билан қайта кристаллантирилди. Таркиби:  $C_{20}H_{23}N_2OBr \cdot H_2O$ . Суюқланиш ҳарорати 286-288°C (1-чизма).





Норфлуорокурариннинг  
тўртламчи аммоний асоси


Флуорокурарин бромид

### 1-чизма. Флуорокурарин бромидни 1-усул бўйича олиниши

Маҳсулотнинг чиқиш унуми 95% га тенг бўлиб, субстанцияни олишнинг мақбул усули сифатида тавсия этилди.

### 2-усул. Субстанцияни норфлуорокурариннинг хлорметилати (метвин) дан олиш

Норфлуорокурарин хлорметилати (2,1 г) га тозаланган сув (10 мл) қўшиб, тиниқ эритма ҳосил бўлгунича қиздирилди. Олинган эритмага 10%-ли натрий ишқори (2 мл) эритмаси қўшилди (pH=9). 1,85 г унум билан ҳосил бўлган норфлуорокурариннинг тўртламчи аммоний асосига кислотали муҳит ҳосил бўлгунига қадар концентранган бромид кислотаси қўшилди. Натижада ҳосил бўлган флуорокурарин бромид кристаллари ажратиб олинди (1,6 г). Таркиби  $C_{20}H_{23}N_2OBr \cdot H_2O$ . Суюкланиш ҳарорати  $286-288^{\circ}C$  (2-чизма).



Норфлуорокурарин  
хлорметилати

Норфлуорокурариннинг  
тўртламчи аммоний асоси

Флуорокурарин бромид


### 2-чизма. Флуорокурарин бромидни 2-усул бўйича олиниши

Шундай қилиб, флуорокурарин бромиднинг чиқиш унуми 80% ни ташкил этди.

Норфлуорокурариннинг УБ-спектри метанолда олиниб, ишқорий муҳитда, шунингдек, ишқорий эритмани кислотали муҳитга ўтказиш жараёнида қайд этилди.

Дастлаб, норфлуорокурариннинг метанолдаги УБ спектрида интенсив ютилиш чизиқлари 365 нм ва 244 нм соҳада намоён бўлди.


Шунингдек, 300 нм соҳада интенсивликнинг камайиши кузатилди (2-расм).



**2-расм. Норфлуорокурариннинг УБ-спектри метанолда (I), ишқорий муҳитда (II), ишқорий эритманинг кислотага ўтгани ҳолати (III).**


Спиртли эритмага ишқор қўшилганда батохром силжиш натижасида 244 нм ва 365 нм соҳаларда ютилиш чизиғи кузатилди. Бунда 300 нм соҳадаги ютилиш чизиғи деярли йўқолди. УБ спектрдаги бундай ўзгаришлар ишқорий муҳитда кетон ҳолатдан енол таутомер шаклга ўтишни исботлайди. Ишқорий эритмани кислотага ўтказганда таутомерларнинг тескари ўтиши кузатилиб, УБ спектр деярли дастлабки ҳолатга қайтади.

Норфлуорокурарин нейтрал ва ишқорий муҳитдаги ИҚ спектрида ҳам худди шундай ўзгаришлар кузатилди. ИҚ спектр дастлаб тетраклорметанда ( $CCl_4$ ) қайд этилди. Норфлуорокурарин эритмасига ишқор қўшилгандан кейин ютилиш чизиқларининг интенсивлиги камаяди, учта чўкки интенсивлиги  $1599, 1595$  и  $1591\text{cm}^{-1}$  соҳа (3-расм, I) атрофида бўлади ёки деярли силжимасдан ўзгаришсиз қолади (3-расм, II).




**3-расм. Норфлуорокурариннинг ИҚ-спектри  $CCl_4$  да (a), ёйилган спектр соҳасини (b) ишқор қўшишдан олдинги (I) ва кейинги (II) ҳолати**


4-расмда флуорокурарин бромиднинг ИҚ спектри келтирилган (KBr,  $\nu$ ,  $\text{cm}^{-1}$ ): 3404-3254 (-NH-); 3049-2964 (валент тебраниш -CH-,CH<sub>2</sub>,-CH<sub>3</sub> гуруҳ); 1645 (-C=O альдегид гуруҳ); 1610 (C-C, деформацион тебраниш); 1547 (C=C-); 1462, 1384 (C-H-деформацион тебраниш); 1171, 1132 (валент тебраниш C-O боғ); 1013, 841, 784, 714 (ароматик протонни деформацион тебраниши).




Флуорокурарин бромиднинг <sup>13</sup>C-ЯМР спектри 5-расмда келтирилган (400 МГц, CD<sub>3</sub>OD,  $\delta$ , м.у.): 1,25 (д, CH); 1,30 (д, C=C-CH<sub>3</sub>); 2,8 (м, -CH-); 3,2 (3H, с, N-CH<sub>3</sub>); 3,95 (2H, м, CH<sub>2</sub>); 4,2 (2H, д, CH<sub>2</sub>); 5,8 (1H, м, C=CH-); 7,0 (1H, м, Ar); 7,2 (2H, м, Ar); 7,6 (1H, м, Ar); 9,55 (1H, с, -CHO).




Флуорокурарин бромиднинг суюқлик хроматографияси /масс спектри Agilent Technologies, USA 6420 Triple Quad қурилмасида манфий ESI (electron spray ionisation) усули билан қайд этилди. Фрагментатор кучланиши 30.0 эВ, қуритгич газ сарфи 12 л/дақ., ҳарорати 300<sup>0</sup>С, пуркагич игна учидаги босим 20 psi, буғлатгич ҳарорати 300<sup>0</sup>С, капилляр кучланиши 4000 В (6,7,8-расмлар).



**6-расм. Норфлуорокурариннинг LC/MS спектри**




**7-расм. Норфлуорокурарин молекуляр ионининг LC/MS-MS спектрдаги фрагментацияси.**



### 8-расм. Флуорокурарин бромид молекуляр ионининг LC/MS-MS спектрдаги фрагментацияси

Флуорокурарин бромид кристаллари рентген тузилиш таҳлили ёрдамида ўрганилганда, кристалл ячейка бирлигида бром атоми билан бирга битта сув молекуласи борлиги аниқланди (9-расм). Шунингдек, сув молекулалари кристаллда молекулалараро водород боғлар ҳосил қилади. Локал табиатли донор-акцептор боғи  $\text{Br} \cdots \text{H-N1}$  атомлари орасида ҳосил бўлади.



### 9-расм. Флуорокурарин бромиднинг рентген тузилиш таҳлили



Флуорокурарин бромиднинг миқдорий таҳлили спектрофотометрик усулда аниқланди. Бунинг учун субстанция намунаси (0.0510 г) 50 мл сиғимли ўлчов колбасига солиниб, тозаланган сувда (20 мл) сув ҳаммомида бироз қиздириш билан эритилди. Сўнгра совутилган эритмага ҳажм ўлчов белгисига етгунига қадар тозаланган сув қўшилди (А эритма). А эритма (1 мл) 100 мл сиғимли ўлчов колбасига олиниб, ўлчов белгисигача тозаланган сув қўшилди (Б эритма). Б эритманинг оптик зичлиги спектрофотометр ёрдамида (10 см қалинликдаги кювета, 365 нм тўлқин узунлиги) ўлчанди. Таққословчи эритма сифатида тозаланган сувдан фойдаланилди.

Бир вақтнинг ўзида худди шу шароитда флуорокурарин бромид стандарт эритмасининг оптик зичлиги ҳам аниқланди.

Флуорокурарин бромид субстанциясининг миқдори (%) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилди.

$$X = \frac{D \cdot 100 \cdot 100 \cdot a_0 \cdot 1 \cdot 100}{D_0 \cdot a \cdot 1 \cdot 100 \cdot 100} = \frac{D \cdot a_0 \cdot 100}{D_0 \cdot a}$$


Бу ерда, D-текширилувчи эритманинг оптик зичлиги,

D<sub>0</sub>-стандарт эритманинг оптик зичлиги,

a - аниқ тортма,

a<sub>0</sub>-текширилувчи эритманинг ҳажми

Таҳлил натижалари қуйидаги 10-расмда келтирилган.




### 10-расм. Флуорокурарин бромиднинг УБ спектри

УБ спектри 0,01 М HCl эритмасида олинди. Концентрация 0,002%.  $\lambda_{\max} = 365$  нм. (индолин скелетидаги карбонил гуруҳ олефин қўш боғи билан туташган).  $D=0,6$ ;  $\varepsilon=1500$ ;  $\varepsilon=58.00$ ;  $\lg \varepsilon=4.38$ .

## Спектрофотометрия усулининг чизиқчилигини аниқлаш натижалари

№	А эритма ҳажми, мл	Назарий ҳисобланган тортма, %	Эритма концентрацияси, %	Оптик зичлиги, D	Топилган таркиб, %
1	0,5	50	0,000265	0,238	49,6
2	0,75	75	0,000382	0,358	74,7
3	1,0	100	0,000510	0,479	99,9
4	1,25	125	0,000637	0,599	124,9
5	1,50	150	0,000765	0,717	149,6
6	1,75	175	0,000893	0,837	174,8

Субстанцияни валидациялашда чизиқчилик, тўғрилилик, қайтарувчанлик, такрорланувчанлик кўрсаткичлари аниқланди. Жумладан, чизиқчилик кўрсаткичи бўйича флуорокурарин бромиднинг миқдори 5 хил концентрациядаги ишчи эритмаларда (80, 90, 100, 110 ва 120%) аниқланди (11-расм). Бу шуни кўрсатадики, барча тажрибалардаги нуқталар битта чизиқда ётиши, яъни чизиқли корреляция кузатилди.

**11-расм. Чизиқчилик усули бўйича флуорокурарин бромиднинг ЮССХ**

Натижада флуорокурарин бромиднинг чизиқчилик майдони 8,02 дан 12,04 мкг/мл гача концентрациялар оралиғини ташкил этади. (2-жадвал).

Флуорокурарин бромиднинг ЮССХ сени чизиқчилик усулида валидациялаш

Тортма, %	Тортма, мг	Чўққи майдони	Модда миқдори, мг	Флуорокурариннинг топилган миқдори, %
80	8,020	2054	8,02	100,00
90	8,980	2292	8,95	99,68
100	10,10	2576	10,06	99,60
110	10,98	2798	10,93	99,54
120	12,04	3085	12,04	100,02

Флуорокурарин бромиднинг текширилувчи намунаси тахлили 6 марта такрорланиб валидацион ўлчамлари аниқланганда, ўртача стандарт четланиш - RSD- 0,487 га тенг бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Такрорланувчанлик усули бўйича флуорокурарин бромид миқдорини аниқлаш натижалари

$X_i, \%$	$X - x_i$	$(x_i - \bar{x})^2$	Метрологик характеристика
99,0	0,67	0,4489	$\bar{X}=99,67$ $S^2=0,2354$ $SD=0,4852$ $RSD=0,487\%$
99,2	0,47	0,2206	
99,6	0,07	0,0049	
99,9	0,23	0,0529	
99,9	0,23	0,0529	
100,4	0,63	0,3969	

Субстанция учун ҳам ВФМ лойиҳаси тузилиб, ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га рўйхатга олиш учун топширилди. Клиник олди фармакологик тадқиқот ўтказилганда флуорокурарин бромиднинг ноотроп таъсирга эга эканлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Флюбром**» **инъекцион эритмасини олиш ва стандартлаш**» га бағишланган бўлиб, унда инъекцион эритманинг стериллиги, турғунлиги ва яроқлилиқ муддати каби кўрсаткичлари аниқланиб, натижалар асосида ВФМ лойиҳаси тузилди. «Флюбром» инъекцион эритмасининг биосамарадорлиги, унинг хорижий аналоги, яъни винпоцетин билан солиштириб кўрилганда, ундан устун эканлиги аниқланди. Ушбу фармакологик тадқиқот иши МЧЖ «NEW INNOVATION PHARM GROUP» томонидан амалга оширилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор винканин алкалоиди асосида флуорокурарин бромид субстанциясини олишнинг яримсинтетик мақбул усули ишлаб чиқилди. Флуорокурарин бромиднинг тузилиш формуласи замонавий тахлил усуллари (ИК, УФ, ВЭЖХ, ЯМР, LC/МС и РСА) бўйича белгиланди.

2. Флуорокурарин бромид субстанциясининг клиниколди фармакологик тадқиқотлари «New innovation pharm group» МЧЖда ўтказилди, унинг кам захарлилиги ва юқори ноотроп фаоллиги белгиланди.

3. Ноотроп таъсирга эга бўлган «Флюбром» (0,5% ли 1 мл) инъекцион эритмасини сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилди. Унинг хорижий аналоги ҳисобланган винпоцетиндан биосамарадорлиги бўйича устунлиги белгиланди.

4. Флуорокурарин бромид субстанцияси ва «Флюбром» инъекцион эритмасини барқарорлиги ўрганилиб, яроқлилиқ муддатлари «Тезлаштирилган эскиртириш» усули орқали белгиланди.

5. *V. erecta* ўсимлиги илдиз ва илдизпоясидан норфлуорокурарин (винканин) алкалоидини ажратиб олиш усули таклиф этилди. Доривор ўсимлик хомашёси *V. erecta* ўсимлигининг илдиз ва илдизпоясига ВФМ лойихаси ишлаб чиқилди ва Ўз Р ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га тасдиқлаш учун тақдим этилди.

6. Флуорокурарин бромид субстанциясини миқдорий баҳолашда ЮССХ ва СФ усуллари тавсия этилди. Флуорокурарин бромид субстанцияси учун ВФМ лойихаси тузилиб, тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази» ДУК га тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МИРЗАЕВА МАДИНА МАДЖИТОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ И СТАНДАРТИЗАЦИЯ ПРЕПАРАТОВ НА ОСНОВЕ  
НОРФЛУОРОКУРАРИНА**

**15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.4.PhD/Far42**

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте и в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.info@pharmi.uz](http://www.info@pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

- Научный руководитель:** **Убайдуллаев Кудратилла Асатиллаевич**  
кандидат химических наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Тиллаева Гульнора Уринбаевна**  
доктор технических наук, профессор
- Абдулладжанова Нодира Гуломжановна**  
доктор химических наук, профессор
- Ведущая организация:** **ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники» при МЗ РУз**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер \_\_\_) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года  
(Реестр протокола № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года)

**К.С. Ризаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

**Ё.С. Кариева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

**Ф.Ф. Урманова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

По данным Всемирной организации здравоохранения, только 10% пациентов с инсультом и черепно-мозговой травмой полностью выздоравливают и возвращаются к профессиональной деятельности, по этой причине данные патологии считаются глобальной проблемой. Поэтому при профилактике и лечении этих заболеваний важное значение имеет определение химического состава лекарственных растений, широко используемых в народной медицине, доказательство их биологической активности, выделение из них индивидуальных биологически активных веществ и создание эффективных ноотропных препаратов.

В настоящее время во всем мире проводятся исследования по выделению из растений биологически активных веществ с ноотропным действием, разработке лекарств на их основе, проведению работ по стандартизации. В связи с этим особое внимание уделяется выявлению гемостатических, гипотензивных, регулирующих артериальное давление свойств таких природных соединений лекарственных растений как алкалоиды, разработке технологии их выделения, оценке качества с использованием современных методов анализа, разработке нормативных документов.

В результате реформ, осуществляемых в республике в последние годы, проводятся научные исследования и достигнуты значимые результаты в дальнейшем развитии фармацевтической отрасли на основе передовых мировых стандартов, разработке эффективных препаратов на основе отечественных лекарственных растений, внедрению их в медицинскую практику. В Стратегии действий на 2017-2021 годы определены такие актуальные задачи, как «... более быстрое развитие фармацевтической отрасли, улучшение снабжения населения дешевыми, эффективными и качественными лекарственными средствами и улучшение обеспечение медицинскими товарами лечебно-профилактических учреждений ...»<sup>1</sup>. При выполнении этих задач важно дальнейшее совершенствование разделения биологически активных соединений, их физико-химических свойств и разработка лекарств на их основе, создание новых эффективных лекарств из местного сырья. Для выполнения этих задач важное значение имеет выделение биологически активных соединений, установление их физико-химических свойств, а также усовершенствование производства лекарственных средств на их основе, создание новых эффективных лекарств из местного сырья.

В соответствии с Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-5229 от 7 ноября 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

системы управления фармацевтической - отраслью», №ПП-5707 «2019-2021 гг. «О мерах по дальнейшему ускорению развития фармацевтической промышленности в стране», №ПП-3532 от 14 февраля 2018 г «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», с Указам № УП-3968 от 12 октября 2018 г. «О мерах по регулированию в области народной медицины» исследования, представленные в диссертационной работе, в определенной степени послужат для реализации задач, поставленных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с VI приоритетом развития науки и технологий республики «Медицина и фармакология».

